

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

ТОШМАТОВ БОБИР АБДУМАНОНОВИЧ

**РЕЛЯТИВИСТИК АСТРОФИЗИК ОБЪЕКТЛАР АТРОФИДА
ЭЛЕКТРОМАГНИТ, СКАЛЯР, ГРАВИТАЦИОН
ҒАЛАЁНЛАНИШЛАР ВА ЗАРРАЛАР ДИНАМИКАСИ**

01.03.01-Астрономия

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)
on physical and mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора физико-математических наук (DSc)**

Тошматов Бобир Абдуманонович

Релятивистик астрофизик объектлар атрофида электромагнит, скаляр,
гравитацион ғалаёнланишлар ва зарралар динамикаси 4

Toshmatov Bobir Abdumanonovich

Dynamics of scalar, electromagnetic, gravitational perturbations and particles
around relativistic astrophysical objects 22

Тошматов Бобир Абдуманонович

Динамика скалярных, электромагнитных, гравитационных возмущений
и частиц вокруг релятивистских астрофизических объектов..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ..... 53

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/FM149 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.astrin.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмедов Бобомурат Жўраевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дымникова Ирина Гавриловна

физика-математика фанлари доктори, профессор

Бронников Кирилл Александрович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Нуритдинов Салохитдин Насритдинович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Опавадаги физика институти, Силезия университети
Чехия Республикаси

Диссертация ҳимояси Астрономия институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998) 71-235-81-02; факс (+998) 71-234-48-67; e-mail: info@astrin.uz).

Диссертация билан Астрономия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998) 71-235-81-02.

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “ ____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.А. Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

И.А. Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

А.Б. Абдикамалов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д.

Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунда илғор илмий марказлар томонидан галактикаларнинг актив ядроли марказларини, қора ўраларни ва бошқа компакт объектларни тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, технологияларнинг ривожланиши натижасида астрономик кузатувлар нафақат астрофизик объектлардан келаётган электромагнит тўлқинлар воситасида ва яна улардан ажралган гравитацион тўлқинлар орқали ҳам амалга оширилмоқда. Ҳар бир астрофизик объект ғалаёнланиш натижасида фақатгина ўзига хос бўлган гравитацион тўлқин чиқаради ва у орқали бизга объект ва унинг физик хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда нафақат детекторларнинг аниқлигини ошириш ишлари олиб борилмоқда ва яна ҳар хил гравитация назарияларида компакт объектларнинг гравитацион тўлқинлари наъмуналари устида назарий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электромагнит ва гравитацион тўлқинлар воситасида қора ўраларнинг физик хусусиятларини, улар атрофида кечаётган жараёнларнинг динамикасини ва кучли гравитацион майдонда бизга маълум физик қонуниятларнинг қанчалик ўринли эканлигини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, айниқса LIGO (Лазер Интерферометр Гравитацион Тўлқинлар Обсерваторияси) ва Вирго илмий ҳамкорлиги томонидан қайд этилган қора ўралар ва нейтрон юлдузларнинг қўшилишидан ажралган гравитацион тўлқинлар ва ЕНТ (Ҳодисалар Горизонти Телескопи) илмий гуруҳи томонидан кузатилган Сомон Йўли галактикамиз марказидаги ўтамассив қора ўра Ўқотар А* ва М87 галактикаси марказидаги қора ўра тасвирлари ушбу изланишларнинг асосини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, қора ўраларнинг бирлашишидан ҳосил бўлган якуний объектнинг хусусиятларини шу жараёнда ажралган гравитацион тўлқиннинг квазинормал режимларини ўрганиш орқали аниқлаш мумкинлиги умумий нисбийлик назарияси ва унга муқобил назарияларнинг тўғрилигини текшириш ва қўллаш чегараларин белгилаш имконини бермоқда.

Республикамизда қора ўраларнинг релятивистик астрофизикаси соҳасидаги фундаментал тадқиқотларга катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳусусан, Республикамиз Президенти томонидан илгари сурилган мамлакатимизда илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси¹ ва физика соҳасини ривожлантиришга оид қарорида² мамлакатимизда илм-фаннинг юксалиши, фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги № ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги № ПК-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиш вазифалари кўрсатиб берилган. Бу вазифаларни бажаришда гравитацион компакт объектларнинг релятивистик астрофизикаси, жумладан, қора ўралар ва нейтрон юлдузларнинг энергетик, оптик хусусиятларини ўрганиш ва гравитацион тўлқинлар тутилиши натижасида яратилган астрономиянинг янги йўналиши, гравитацион тўлқин астрономиясининг мамлакатимизда пойдеворини қўйиш муҳим ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши давлат меъёрий ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Қора ўраларнинг квазинормал режимлари ва гравитацион тўлқин эффектларини ўрганиш билан боғлиқ кузатувлар, хусусан, қора ўраларнинг бирлашишидаги гравитацион нурланишлар, қора ўраларнинг кучли гравитацион майдонларидаги электромагнит ва скаляр нурланишлар ва қора ўраларнинг хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан Калифорния Технология Институтини (АҚШ), Римнинг Ла Сапиенза университети (Италия), Макс Планк номидаги Гравитацион Физика институтини - Алберт Эйнштейн институтини (Германия), Лиссабон техника университети (Португалия), Университетлараро Астрономия ва Астрофизика Маркази (Ҳиндистон), Силезия университети (Чехия), Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Фудан университети (Хитой), Назарбаев университети (Қозоғистон), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институтини ва шулар каби бошқа етакчи тадқиқот марказлар томонидан амалга оширилмоқда.

Қўшалокдаги қора ўраларнинг бирлашишининг рингдаун босқичида иккита компакт объектнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган қолдиқ объект частоталари квазинормал деб номланувчи гравитацион тўлқинлар нурлантириш орқали мувозанат ҳолатига келади. Квазинормал частоталар комплекс сонли бўлиб, улар фақат қора ўра параметрлари билан аниқланади. Шундай қилиб, уларнинг LIGO-Virgo ҳамкорлиги томонидан қора ўраларнинг бирлашишидан ажралган гравитацион тўлқинларда қайд этилиши бизга нафақат “сочсиз теорема” ни ва умумий нисбийлик назариясини, балки бошқа экзотик оқ ўралар, юмронқозиқ тешиклари, бозон юлдузлари,

³ www.caltech.edu, www.uniroma1.it, www.aei.mpg.de, <https://tecnico.ulisboa.pt>, www.iucaa.in, www.slu.cz, www.msu.ru, www.nu.edu.kz, www.astrin.uz

гравастарлар каби объектларни башорат қилувчи алтернатив назарияларни текшириб кўриш имкониятини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Релятивистик астрофизик объектлар атрофидаги скаляр, электромагнит, гравитацион майдонлар ва зарралар динамикаси кўплаб олимлар, масалан, америкалик (К. Торн, К. Уилл, Э. Поиссон, Э. Берти), португалиялик (В. Кардосо, К. Ҳердейро, Х. Лемош), италиялик (П. Пани, Э. Барауссе, В. Феррари, Р. Руффини), чехиялик (З. Стухлик, Р. Конопля, Г. Лоукес-Геракопулос, Й. Бичак), германиялик (К. Коккотас, Л. Реццолла, Б. Шутц, А. Буонанно, Я. Штайнхоф), бразилиялик (Л. Криспино, С. Маседо, А. Жиденко), япониялик (К. Маеда, Ж. Сода, А. Ишибаши, Ҳ. Кодама), россиялик (Д. Гальцов, К. Бронников), канадалик (В. Фролов, Д. Кубизниак) ва бошқалар томонидан ўрганилган ва муҳокама қилинган. Бундан ташқари, компакт объектлар атрофида ўз айланиш моменти (спинига) эга бўлган зарранинг динамикаси кўплаб олимлар, жумладан, германиялик (Я. Штайнхоф, Ю. Кунц, Д. Пуецфелд, Д. Кунст), италиялик (Д. Бини, Э. Барауссе, Д. Малафарина), япониялик (Ш. Сузуки, К. Маеда), чехиялик (Г. Лукес-Геракопулос, Й. Коварж, О. Семерак), россиялик (Г. Бисноватий-Коган, О. Цупко, Ю. Обухов, А. Дериглазов) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Республикамизда қора ўраларнинг гравитацион ғалаёнланишлари, бунинг натижасида улардан ажралиб чиқадиган гравитацион тўлқиннинг хусусиятлари ва ўз айланиш моменти эга бўлган зарранинг кучли гравитацион майдондаги ҳаракатига оид илмий тадқиқотлар Б. Ахмедов, А. Абдужаббаров, А. Турсуновлар томонидан амалга оширилган.

Гарчи қора ўраларнинг жуда кўплаб хусусиятлари тадқиқ қилинган бўлсада, регуляр қора ўраларнинг кенг синфи шу жумладан, ночизиқли электродинамика (НЭД) билан умумий нисбийлик назариясининг биргаликдаги ечимларининг скаляр, электромагнит ва гравитацион ғалаёнланишларининг квазинормал частоталари ва эволюцияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу билан бирга, айланиш моменти эга бўлган зарранинг ҳаракати фақат сферик ёки акциял симметрик, асимптотик текис фазовий вақтлар билангина чекланган ва асимптотик нотекис бўлган ва деформацияланган фазовий вақтларга ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг ЁФА-АТех-2018-8 рақамли «Релятивистик астрофизикада компакт объектлар яқинидаги гравитацион ва электромагнит майдонлар ҳамда зарралар» (2018–2019), ВА-ФА-Ф2-008 рақамли «Динамик ва стационар релятивистик гравитацион объектларда астрофизик жараёнлар» (2017–2020), ВА-ФА-Ф2-008а «Қора ўрани ўз ичига олган қўшалоқ тизимлардаги изоляция қилинган қора ўраларнинг релятивистик астрофизикаси» (2017–2020), Ўзбекистон–Белоруссия дастурининг MRB-AN-2019-29 рақамли «Астрофизик объектларни моделлаштириш ва уларнинг

кузатиш хусусиятларини РТ-70 телескопи параметрлари ва Гамма-400 рус орбитал телескопи параметрлари билан корреляциялаш» (2019–2021) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий нисбийлик назариясидаги астрофизик қора ўралар кенг синфининг квазинормал частоталарининг батафсил тавсифи, уларнинг гравитацион тўлқинларининг хусусиятлари ва яшаш вақтлари, галактикалар марказидаги ўта массив қора ўраларнинг ҳосил бўлиш механизми, қора ўралар яқинидаги айланаётган зарралар ҳаракати каби бир қатор ҳодисаларни тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

НЭД билан биргаликда умумий нисбийлик назарияси доираси янги регулар ва сингуляр қора ўра ечимларини олиш;

қора ўранинг заряд турини унинг атрофидаги ёруғлик нури ҳаракати воситасида фарқлаш мумкинлигини аниқлаш;

қора ўраларнинг скаляр, электромагнит ва гравитацион ғалаёнланишларини ўрганиш ва уларнинг характерли тебраниш частоталарини ҳисоблаш;

зарядланган қора ўраларнинг ғалаёнланишларининг яшаш вақтларини баҳолаш ва уларни галактик ўтамассив қора ўраларга қўллаш;

галактикаларнинг марказида ўтамассив қора ўранинг пайдо бўлиши сабабини тушунтириш учун политропик сфера моделини ишлаб чиқиш;

зарралар спинининг унинг ҳаракатига таъсирини турли хил (деформацияланган, қоронғу энергия ҳисобга олинган) қора ўралар соҳасида тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида скаляр, электромагнит, гравитацион ғалаёнланишлар ва Ўқотар А*, М87* қора ўралари ва миллисекундли пулсар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кучли гравитацион соҳада қора ўраларнинг скаляр, электромагнитик ва гравитацион ғалаёнланишларининг квазинормал тебранишларининг спектрлари ҳамда шу билан боғлиқ кузатув гравитацион тўлқинлар маълумотлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида Эйнштейн тенгламаларини ечишда аналитик, рақамли ҳисоблаш усулларида ва компакт объект фазо-вақтларининг ғалаёнланишларини ўрганишда ВКБ, Ливер, Фробениус усуллари, Бор-Зоммерфелд қоидаларидан ва тўлқин шаклини топиш учун дискретлаштириш усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Биринчи марта умумий нисбийлик назарияси ва НЭДнинг биргаликдаги электр ва магнит зарядланган Максвелл, Хайвард ва Бардин қора ўраларининг умумлашган ечимлари олинган;

НЭД ва умумий нисбийлик назариясидаги қора ўраларнинг электромагнит ғалаёнланишларини ўрганиш орқали нафақат ёруғлик нурлари, балки электромагнит тўлқинлар ҳам НЭДда фазо-вақтнинг нол геодезияси бўйлаб ҳаракат қилмаслигини кўрсатилган;

НЭДга қўшилган умумий нисбийлик назариясининг фазо-вақтлари ҳеч қачон йўқолиб кетмайдиган ёруғлик ҳалқаларига эга бўлиши исботланган;

НЭДга қўшилган умумий нисбийлик назариясидаги юқори зарядланган қора ўралар электромагнит ғалаёнланишларни сўндирмасдан тебратиши кўрсатилган;

электр (магнит) зарядли қора ўранинг жуфт-жуфтликли электромагнит ғалаёнланишлари ва магнит (электр) зарядли қора ўранинг тоқ-жуфтликли электромагнит ғалаёнланишлари изоспектрал, яъни бир хил частотали эканлиги кўрсатилган;

умумий нисбийлик назариясида политропик сферада кичик гравитацион ғалаёнланишларни тадқиқ қилиш орқали галактикалар марказида ўта массив қора ўралар пайдо бўлиш механизмини тушунтирувчи модел яратилган;

қоронғу энергиянинг мавжудлиги сабабли қора ўралар атрофида фақат чекланган соҳадагина айланма турғун орбиталар ҳосил бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зарядланган қора ўра атрофида ёруғлик нурлари ҳаракати орқали қора ўранинг заряд турини аниқлаб бўлмаслиги кўрсатилган ва бу натижа ЕНТ ҳамкорлиги учун қора ўралар зарядларини баҳолаш учун фойдали;

НЭДга қўшилган умумий нисбийлик назариясидаги қора ўралар ҳар доим йўқолиб кетмайдиган ёруғлик ҳалқасига эга эканлиги кўрсатилган ва бу кузатувчиларга қора ўра турини ажратиш учун хизмат қилади;

кузатувда қора ўранинг секин сўнадиган ёки ҳеч қачон сўнмайдиган электромагнит тўлқинларининг тутилиши унинг манбаси НЭДга боғланган умумий нисбийлик назариясидаги юқори зарядланган қора ўраларнинг электромагнит ғалаёнланишлари эканлиги кўрсатилган;

галактикалар марказида ўта массив қора ўра пайдо бўлиш сабаби ҳали ҳам тўлиқ тушуниб етилмаган ва ишлаб чиқилган политропик модел ушбу муаммони ҳал қилишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида математик ва назарий физиканинг стандарт усуллари, шу жумладан юқори самарали рақамли усуллар ва дастурлардан фойдаланилганлиги, олинган назарий натижаларнинг мавжуд назарий маълумотларга, кузатув маълумотларига ва бошқа олимларнинг натижаларига мувофиқлиги тўлиқ текширилганлиги билан таъминланди. Шунингдек, келтирилган ҳулосалар гравитацион компакт объектлар назариясининг асосий ҳолатларига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган қора ўраларнинг электромагнит, гравитацион, скаляр ғалаёнланишларининг эволюциясини таҳлил қилиш формализмларининг ва астрофизик қора ўраларнинг гравитацион тўлқинлари кузатувларидан олинган маълумотлар асосида қора ўраларнинг турли параметрлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумот олиш механизмлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар ёрдамида қора ўралар ёки нейтирон юлдузларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган компакт объектларидан ажралган гравитацион тўлқинлар орқали умумий нисбийлик назариясига муқобил назарияларнинг параметрлари қийматларини ва қўлланиш чегараларини баҳолаш, ушбу ишда ҳисобланган майдонларнинг вақт эволюциясини таҳлил қилиш усуллари ҳисобга олиб, оғир сонли усулларга мурожаат қилмасдан, қора ўраларнинг кенг синфининг квазинормал режимини тез ва аниқлик билан олишга имкон бериши, қора ўралар атрофида ҳаракатланаётган ўзининг ҳусусий айланиш моментиға эға зарранинг орбиталари орқали марказий компакт объект параметрларини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Релятивистик астрофизик объектларнинг скаляр, электромагнит, гравитацион ғалаёнланишлар ва зарралар динамикасини тадқиқ қилиш асосида:

НЭД ва умумий нисбийлик назариясининг бирлашишидан олинган янги қора ўра ечимлари ва уларнинг ғалаёнланишлари ва шунингдек, галактика марказида ўтамассив қора ўра ҳосил бўлиш модели билан боғлиқ натижалар Чехия илм-фан жамғармасининг 19-03950S, Чехия Республикасининг Опава шаҳридаги Силезия университетининг SGS/12/2019, SGS/14/2016 ва Альберт Эйнштейн номидаги гравитация ва астрофизика марказининг 14-37086G рақамли грантлари доирасида (Чехия Республикасининг Опава шаҳридаги Силезия университети Физика институти хати илова қилинди) ва бир нечта хорижий тадқиқотчилар томонидан (Nature Astronomy, 2017; Journal of High Energy Physics, 2018; Living Reviews in Relativity, 2019; Physical Review D, 2019; Physics Letters B, 2019) фаол галактик ядроларда жойлашган ўтамассив қора ўралар билан боғлиқ турли хил ҳодисаларни ўрганишда фойдаланилган.

Деформация ёки қоронғу энергия ҳисобига турли хил физик ҳусусиятли астрофизик объектлар атрофида ҳаракатланаётган ўзининг ҳусусий айланиш моментиға эға бўлган заррачанинг динамикаси бўйича тадқиқотлар Қозоғистон Республикаси Таълим вазирлигининг мақсадли дастури доирасидаги “Фундаментал ва амалий физика ривожланиш маркази” номли IRN:BR05236454 ва Назарбоев университетининг факултетни ривожлантириш бўйича рақобатбардош илмий-тадқиқот грантлари 090118FD534, 090118FD5348 (Қозоғистон Республикаси Назарбоев университетининг хати илова қилинди) ва турли гравитация назарияларида қора ўралар ва улар атрофидаги акреция билан боғлиқ тадқиқотлар учун бир қатор хорижий тадқиқотчилар (Physical Review D, 2018; European Physical Journal C, 2019; Galaxy, 2020; Universe, 2020) томонидан ишлатилган.

Бир жинсли чангдан ясалган сферик шарнинг Эйнштейн-Гаусс-Боннет қора туйнугига коллапси бўйича тадқиқотлар натижалари Ҳиндистондаги Университетлараро грант қўмитаси лойиҳалари Ҳиндистоннинг Университетлараро грант қўмитаси дастурлари доирасида (Ҳиндистоннинг Университетлараро грант қўмитасининг 2021 йил 28 январдаги

маълумотномаси) ва шунингдек, хорижлик олимлар томонидан (Journal of High Energy Physics, 2020; Physics Letters B, 2020; Physics of the Dark Universe, 2020; European Physical Journal C, 2020) Эйнштейн-Гаусс-Боннет назариясидаги қора ўраларнинг физик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та ҳалқаро ва республика илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий ишлар нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та илмий мақола хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, 200 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 224 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, олиб борилган тадқиқотнинг асосий мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қисқача астрофизик маълумотлар»** деб номланган биринчи бобида ҳозирги астрофизиканинг долзарб муаммолари ва уларнинг диссертация мавзусига доирлиги ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Умумий нисбийлик назарияси боғланган ночизиқли электродинамикада қора ўралар»** деб номланган иккинчи боби умумий нисбийлик ва ночизиқли электродинамика (НЭД) назарияларини боғлаган ҳолда янги қора ўраларнинг ечимларини олиш ва ушбу қора ўраларнинг зарядининг турини ёруғлик нури воситасида аниқлаш эҳтимолликларини тадқиқ этишга бағишланган. НЭДнинг умумий нисбийлик назариясидаги асосий аҳамиятларидан бири шундан иборатки, Максвелл (чизиқли) электродинамикаси ва умумий нисбийлик назарияси турли назариялар бўлишига қарамасдан, улар сингулярлик деб аталувчи умумий ҳали ҳам ҳал қилинмаган муаммодан азият чекади. Диссертациянинг биринчи бобининг биринчи ярмида биз электр, магнит ва дионик зарядланган қора ўра ечимларини олишни ва уларнинг хусусиятларини намоиш этамиз. НЭДга боғланган умумий нисбийлик назарияси қуйидаги таъсир билан тавсифланади:

$$S = \frac{1}{16\pi} \int d^4x \sqrt{-g} (R - L) , \quad (1)$$

Бу ерда L НЭДнинг лагранж зичлиги бўлиб у электромагнит майдон кучланишининг функцияси. (1) учун энг қисқа таъсир тамойилини қўллаган ҳолда, $G_{\mu\nu} = T_{\mu\nu}$, Эйнштейн майдон тенгламалари олинади, бу ерда $T_{\mu\nu}$ НЭДнинг энергия-импульс тензори. Эйнштейн ва НЭД учун Максвелл тенгламаларини статик, сферик симметрик интервал учун ечиб электр зарядли, магнит зарядли ва дйоник яъни бир вақтда электр ва магнит зарядли қора ўра ечимларини олдик. Масалан, бу ечимларнинг умумий қуйидаги кўринишга эга:

$$f(r) = 1 - \frac{2Mr^{\mu-1}}{(r^\nu + q^\nu)^{\mu/\nu}} \quad (2)$$


Агар бу тенгламалар чизиқли электродинамика учун ечилса, фазо-вақтнинг марказида сингулярлиги бўлган машҳур Рейсснер-Нордстром қора ўрасиечими олинади. Метрик функция (2) нафақат Бардин ($\mu=2$, $\nu=1$) ва

Хайвард ($\mu=3$, $\nu=1$) ечимларини умумлаштиради ва юқори тартибларигача тўлдиради, балки уларга қўшимча янги Максвелл типигаги ($\mu=1$) ечимларни ўз ичига олади. Шунинг учун, биз ушбу янги ечимни «Максвелл» қора ўра ечими деб номладик. Бу ечим электр зарядли бўлиши ҳам мумкин, аммо бу ҳолда унинг лагранж зичлиги магнит зарядлиниги нисбатан бошқа кўринишга эга бўлади. Бу НЭДнинг яна бир жуда муҳим хусусиятини очиб беради, яъни умумий нисбийлик назарияси ва чизиқли электродинамиканинг биргаликдаги ечимидаги ҳолатдан фарқли ўлароқ, НЭДда ҳар қандай лагранж зичлиги магнит ва электр зарядли фазо-вақтлар учун бир хил ечимларни бермайди.

Биринчи бобнинг иккинчи ярмида бизга аввалдан маълум бўлган илмий факт яъни электромагнит тўлқинлар вакуум ва чизиқли электродинамикада фазо-вақтнинг нол геодезияси бўйлаб тарқалади, аммо у НЭДда фазо-вақтнинг нол геодезияси бўйича тарқалмайди. Бундан ташқари, бўлимнинг биринчи ярмида НЭД билан боғланган умумий нисбийликдаги фазо-вақтлар электр ёки магнит зарядли бўлиши мумкинлиги, электр ва магнит зарядланган бир хил фазо-вақтларнинг лагранж зичликлари эса ҳар хил эканлиги кўрсатилди. Ушбу далилларни ҳисобга олган ҳолда, биз ёруғлик нурининг ҳаракати орқали қора ўранинг заряд турини фарқлаш мумкин ёки йўқлигини аниқладик. Ёруғлик нурларининг ҳаракатланиши иккала электр ва магнит зарядланган фазо-вақтлар учун эффектив потенциал ва ёруғлик 4-тезлигининг радиал компонентини топдик. Иккала ҳолатда ҳам фазо-вақтлардаги фотонсферанинг радиуслари бир хил эканлигини кўрсатдик. Кейинги ҳолатда биз ёруғлик нурларининг шу қора ўраларнинг яқинидан ўтганда гравитация таъсирида тўғри траекториядан четланишини ва шу четланиш натижасида унинг кузатувчига етиб келишидаги кечикишини баҳоладик ва шунга амин бўлдикки, улар ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил кўринишга эга ва шунинг учун, заряд турини улар орқали аниқлаш имконсиз. Шундай қилиб, диссертациянинг биринчи боби иккинчи қисмининг энг муҳим натижаларидан бири шундаки, фақат ёруғлик нури траекторияларини кузатиш орқали қора ўра заряди турини аниқлаб бўлмайди. Бу натижанинг энг долзарб амалий ахамияти шундан иборатки, ҳозирги кунда энг илғор кузатувлар олиб бораётган ЕНТ илмий лойихаси қора ўраларнинг зарядининг турини аниқлай олмайди.


Диссертациянинг **“Умумий нисбийлик назарияси ва чизиқли электродинамикада қора ўраларнинг ғалаёнланишлари”** деб номланган учинчи боби, НЭДга боғланган умумий нисбийлик назариясидаги қора ўраларнинг скаляр, электромагнит ва гравитацион ғалаёнланишларини ўрганишга ва уларнинг характерли тебраниш частоталари яъни квазинормал модаларини ҳисоблашга бағишланган. Бизга маълумки, ғалаёнланган объект гравитацион тўлқинлар нурлатиш орқали мувозанат ҳолатига келади. Шу тўлқинларнинг частоталари квазинормал деб аталади, чунки улар комплекс сон билан ифодаланиб, объектнинг параметр-лари билан тўлиқ тавсифланади. Диссертациянинг иккинчи бобида биз олдинги бобда олинган

умумий нисбийлик назариясидаги электр ва магнит зарядланган қора ўраларга тоқ ва жуфт жуфтликли электромагнит ғалаёнланишларни киритдик ва ушбу ғалаёнланишларнинг динамикасини алоҳида ўрганиб чиқдик. Электр ва магнит зарядли ихтиёрий кўринишдаги қора ўраларнинг тоқ ва жуфт жуфтликдаги электромагнит ғалаёнланишларининг динамикасининг универсал формализмини ишлаб чиқдик ва кейинги босқичда биз ушбу формализмни аниқ бир қора ўра ечимига қўллаб, ғалаёнланишларнинг динамикасини ўргандик. Шу мақсадда биз аввалги бобда олинган Максвелл қора ўра ечими (2) ни мисол сифатида танладик. Биз электромагнит ғалаёнланишлар эволюциясини характерли интеграция усули ёрдамида ўргандик. 1-расмда биз НЭДдаги Максвелл қора туйнуғи ва чизиқли электродинамикадаги Рейсснер-Нордстром қора ўрасининг электромагнит ғалаёнланишларининг вақт бўйича эволюциясини олдик.



1-Расм. НЭДдаги Максвелл қора туйнуғи(чапда) ва чизиқли электродинамикадаги Рейсснер-Нордстром қора туйнуғининг электромагнит ғалаёнланишларининг вақт бўйича эволюцияси(ўнгда) заряднинг ҳар хил қуйидаги қийматларида $Q=0.2$ (қора), $Q=0.6$ (кўк), $Q=0.8$ (яшил), ва $Q=0.998$ (қизил).

1-расмдан кўриш мумкинки, чизиқли ва НЭДдаги қора ўраларнинг электромагнит ғалаёнланишлар эволюциясининг асосий фарқи шундаки, Максвелл регулар қора ўраларининг заряди қийматининг ошиши ғалаёнланишларнинг яшаш вақтини узайтиради, аммо чизиқли электродинамикада бу жараён аксинча қисқаради. Бундан ташқари, биз ғалаёнланишларнинг квазинормал частоталарини ҳисобладик. Бу частоталарнинг ҳақиқий қисми тебраниш частотасини, мавҳум қисми эса бу тебранишларнинг сусайишини ёки ўсишини англатади.



2-Расм. Электр (чапда) ва магнит (ўнгда) зарядли Максвелл ва Рейсснер-Нордстрем қора ўраларининг электромагнит ғалаёнланишларининг $l=1$ ва $l=2$ фундаментал квазинормал частоталари заряднинг $Q \in [0,1]$ интервалдаги қийматлари учун.

Бундан ташқари, юқори энергия лимитида НЭДдаги қора ўраларнинг электромагнит ғалаёнланишларини ўрганиш орқали биз илк марта электромагнит ғалаёнланишлар НЭДда нол геодезия бўйича юрмаслигини кўрсатдик. Ушбу таҳлилнинг энг муҳим натижаларидан яна бири шундаки, агар электр ва магнит зарядли қора ўраларнинг фазо-вақтлари бир хил бўлса, магнит (электр) зарядланган ва жуфт жуфтликли электромагнит ғалаёнланишлар электр (магнит) зарядли тоқ жуфтликли электромагнит ғалаёнланишлар бир хил спектрлидир.

Жорий бобнинг иккинчи ярмида биз НЭДдаги қора ўранинг $g_{\mu\nu}$ фазо-вақтига жуда кичик $h_{\mu\nu}$ ғалаёнланишни $g_{\mu\nu} = g_{\mu\nu} + h_{\mu\nu}$ каби киритиб, ушбу ғалаёнланишнинг эволюциясини ўргандик. Гравитацион ғалаёнланишларни ҳам тоқ (аксиал) ва жуфт (кутбли) қисмларга $h_{\mu\nu} = h_{\mu\nu}^{odd} + h_{\mu\nu}^{even}$ каби ажратиш мумкин. Эйнштейн тенгламасини юқоридаги ғалаёнланишлар учун алоҳида ечиб, тегишли эффектив потенциалга эга бўлган тўлқин тенгламани олдик. Кейинчалик, биз буларни Бардин, Хайвард ва Максвелл қора ўраларига қўллаб уларнинг квазинормал частоталарини ҳисоблаб чиқдик.

Ва ниҳоят, ушбу бобнинг охириги қисмида биз зарядсиз (Шварцшилд), Рейсснер-Нордстром қора туйнуғи ва яланғоч сингулярлиги, Бардин, Хайвард ва Максвелл қора ўраларининг скаляр, электромагнит ва гравитацион ғалаёнланишларининг яшаш вақтларини баҳолаймиз. Бизнинг ҳисобларимиз шуни кўрсатдики, зарядланган фазо-вақтлар ҳодисалар горизонти йўқолгандан кейин ҳам заряднинг маълум қийматига қадар фотонсферага эга бўлади. Қизиғи шундаки, заряднинг экстрим қийматида ушбу фазо-вақтларнинг гравитацион ва скаляр ғалаёнланишлари ҳеч қачон сўнмайди. Бироқ, ушбу фазо-вақтларнинг электромагнит ғалаёнланишлари табиати бошқачароқ бўлиб, улар асосан фотонферада жойлашади. НЭДнинг фазо-вақтлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган фотонсфераларга эга бўлиб, улар доимо электромагнит ғалаёнланишларни тарқатади. Қисқача айтганда, биз ғалаёнланишларнинг юқорида кўрсатилган фазо-вақтларда яшаш вақтларининг юқори ва пастки чегараларини унга мос келадиган заряд

қийматини 1-жадвал умумлаштирамиз.

Фазо-вақтлар	Энг қисқа грав.	Зар.	Энг узун грав.	Зар.	Энг қисқа ЭМ	Зар.	Энг узун ЭМ	Зар.
Шварцшилд	51.0262	0	51.0262	0	51.0262	0	51.0262	0
РН ҚЎ	50.0378	0.73	55.5503	1	50.0378	0.73	55.5503	1
РН ЯС	>55.5503	>1	∞	1.06	>55.5503	>1	∞	1.06
Максвелл ҚЎ	48.7728	0.62	57.5190	1	50.0385	0.52	53.4715	1
Максвелл НХ	>57.5190	>1	∞	1.07	20.1975	2.25	62.3036	1.2
Бардин ҚЎ	>51.0262	>0	63.0313	1	51.0262	0	58.3588	1
Бардин НХ	>63.0313	>1	∞	1.11	36.6051	2.4	63.1749	1.24
Ҳайвард ҚЎ	>51.0262	>0	61.0489	1	>51.0262	0	55.8758	1
Ҳайвард НХ	>61.0489	>1	∞	1.07	40.5379	2.35	58.4751	1.24

Table 1. Регуляр қора ўраларнинг гравитацион (ва скаляр) ва электромагнит галаёнланишларнинг яшаш вақтлари ва уларга мос келувчи заряд қийматлари $[M/M_{\odot} 10^{-6}]$ секунд бирлигида.

Тезиснинг “**Политропик сфералардаги гравитацион беқарорлиги ва унинг галактик галолардаги супермассив қора ўраларга татбиқ этилиши**” деб номланган тўртинчи боби, умумий нисбийлик назариясидаги политропик сфераларнинг умумий хусусиятларига ва унинг галактика марказларида ўта массив қора ўраларнинг вужудга келишини тушунтиришга бағишланган. Энергия-импульс тензори идеал суюқлик тенгламаси кўринишида олинади ва $\rho = \rho(r)$ энергия зичлиги ва $p = p(r)$ изотропик босим бир-бири билан қуйидаги политропик ҳолат тенгламаси орқали боғланади:

$$p = K\rho^{1+\frac{1}{N}}, \quad (3)$$

Бу ерда N политроп индекси бўлиб, $N = 3$ ва $N = 3/2$ ҳолатлар мос ҳолда релятивистик ва норелятивистик айниган Ферми газни ифодалайди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, политропик индекс N ва релятивистик параметр ξ_1 қийматларининг ортиши билан, политропик сферанинг ўлчамини ортади ва N нинг етарлича катта қийматлари учун барча политропик сфералар учун $\xi_1 \gg 1$, яъни улар жуда катта. Бошқа томондан, политропик сферанинг ўлчами катта бўлгани билан беқарор ёруғлик халқаси жойлашган радиус

$\xi_{phu}(N, \sigma) = 1$ деярли ўзгармайди. Ёруғликнинг ҳаракат тенгламаларини ечиш орқали биз (N, σ) параметрларнинг баъзи қийматлари учун иккита: турғун ξ_{phs} да ва беқарор ξ_{phu} да ($\xi_{phs} < \xi_{phu}$) ёруғлик халқалари борлигини аниқланди ва бундай политроплар тутувчи политроплар дейилади. Шунингдек, политропик сферанинг барқарорлигини аниқлаш мақсадида полипропик сферага кичик гравитацион ғалаёнланишларни киритдик. Бу ерда биз тутувчи политроплар ($2.1378 < N < 4$) учун квазинормал частоталар ва ғалаёнланишларнинг вақт бўйича ўзгаришини ҳисобладик. 3-расмда тутувчи политропларнинг эффектив потенциалнинг схематик кўриниши келтирилган.





Fig. 3. Тутувчи политроп эффектив потенциали радиал боғлиқлигининг схематик кўриниши. Тутувчи соҳа потенциалнинг минимуми, V_{min} , ξ_s да, ва максимуми, V_{max} , ξ_u да томонидан бошқарилади.

Шуни таъкидлашимиз керакки, политропик сферанинг гравитацион ғалаёнланишлар потенциалнинг минимум ва максимум соҳаларининг мавжудлиги мултипол сон l , политропнинг характеристик параметрлари N ва σ нинг қийматларига боғлиқ. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, мултипол соннинг кичик қийматларида политропик юлдузлар барқарор ёруғлик халқаси атрофида ғалаёнланишларга нисбатан беқарор. Шу билан бирга, мултипол сонининг қиймати ортиши билан беқарорлик камая бошлайди ва юлдуз барқарорлаша бошлайди ва мултипол сонининг катта қийматларида гравитацион ғалаёнланишлар 4-расмда кўрсатилгандек жуда аста сунуш билан узоқ яшайди.







Fig. 4. $N = 2.2$ ихчам ва $N = 3.8$ кенгайган тутувчи политропик сферанинг барқарор ёруғлик халқаси соҳасида гравитацион ғалаёнланишларнинг вақт бўйича эволюцияси.

Юқорида политропик сфераларнинг тутилиш соҳасида узоқ яшовчи беқарор гравитацион ғалаёнланишлар мавжудлиги кўрдик. Энди унинг астрофизик оқибатларини таҳлил қилайлик. Ушбу беқарорлик туфайли тутилиш зонаси фазосининг эгрилиги ошиб кетади ва натижада шунинг ички соҳасидаги масса марказга қулаб қора ўрага ёки нейтрон юлдузга айланиши мумкин. Кутилаётган компакт объектнинг массасини баҳолаш учун биз тутилувчи соҳанинг нисбий жойлашиши, $R_\zeta[N, \sigma]$, ва ушбу зонагача бўлган массани политропик сферанинг тўлиқ массасига нисбатини ифодаловчи нисбий масса параметри, $R_\nu[N, \sigma]$, каби қуйидаги янги параметрлар киритамиз. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, тутувчи политропик сфера $N < 3.75$ ҳолда ихчам бўлиб, унинг нисбий жойлашиши $R_\zeta \leq 10^{-3}$ ва бундай система гравитацион беқарорлик натижасида ҳосил бўлган қора ўрака ютилиб кетади. $N > 3.75$ да $R_\zeta \leq 10^{-7}$ гача етади ва $R_\nu \leq 10^{-3}$ бўлган катта тутувчи политропик сфералар ҳосил бўлади ва бунда хатто тутувчи соҳада қора ўра ҳосил бўлса ҳам, бу соҳанинг массаси ва ўлчами кичик бўлганлиги учун, система тезда стабиллашишини ва натижада марказида қора ўра мавжуд бўлган катта политропик сферанинг ҳосил бўлишини кутишимиз мумкин. Энди олинган натижаларни галактик ғалога қўллаймиз. Биринчи ҳолда агар галактик ҳалонинг массаси $M_{halo} = [10^{12} \div 10^{14}] M_\odot$ бўлса, марказда ҳосил бўлган қора ўранинг массаси $M_{BH} = [10^8 \div 10^{10}] M_\odot$ бўлади. Бу натижалар бизнинг галактикаимиз Сомон Йўли ва қўшни М87 ва уларнинг марказларидаги ўтамассив қора ўраларнинг массаларнинг массалари билан мос келади. Бу эса биз таклиф этаётган модел галактикалар марказларида қора ўраларнинг ҳосил бўлиш сабабини тушунтирувчи номзод моделдир.

Ва ниҳоят, **“Акциял симметрик компакт объектлар атрофида айланадиган заррачанинг динамикаси”** деб номланган тезиснинг бешинчи боби компакт объектлар атрофида ҳаракатланувчи ўзининг хусусий айланиш моментига эга синов заррачасининг динамикасига бағишланган. Синов зарраси яқинлашишида биз айланаётган заррачанинг ҳаракатини "монополь-диполь" яқинлашувида ҳисоблаймиз. Спин-эгрилик ўзаро таъсирини туфайли, зарра энди геодезия бўйича ҳаракатланмайди. Бундай тавсифда ҳаракатланаётган зарралар ҳаракати Матиссон-Папапетру-Диксон (МПД) тенгламалари билан ифодаланади. Шундай қилиб,

ихтиёрий статик, аксиял симмерик копакт объект атрофида ҳаракатланаётган ўзининг ҳусусий айланиш импулсига эга зарранинг ҳаракат тенгламаларини келтириб чиқардик. Кейинги босқичда, биз бу формализмни турли хил фазо-вақтларда ҳаракатланаётган зарралар учун қўладик.

Зарранинг ҳаракатига фазо-вақт деформациясининг таъсирини аниқлаш учун биз Зипой-Ворхис фазо-вақти (яъни γ -метрика) ни танлаб олдик. $\gamma=1$ да фазо-вақт сферик курунишга келади ва Шварцшилд метрикасига айланади. $0<\gamma<1$ ва $\gamma>1$ ҳолатлари мос равишда чўзилган ва сиқилган деформацияларли манбаларни англатади. Кузатув нуқтаи назаридан энг муҳим орбиталардан бири бу энг ички барқарор айлана орбитасидир (ISCO). Қуйида берилган 5-расмда деформация параметрининг ҳар хил қийматлари учун γ фазо-вақтидаги айланувчи зарранинг ISCOси берилган.




5-Расм. Деформация параметрининг ҳар хил қийматларида γ фазо-вақтидаги айланувчи зарранинг ISCOси. Чизикли ва нуқтали чизиклар мос равишда $L_{ISCO}>0$ ва $L_{ISCO}<0$ ҳолатларга тўғри келади.

Синов заррасининг спини s_0 ва бурчак моменти L_0 ишораларига қараб, 5-расмдан шуни кўраимизки, s ва L нинг берилган аниқ қиймати учун $r_{ISCO}(s_0, L_0 < 0) > r_{ISCO}(s_0, L_0 > 0)$ муносабат ўринли.

Бундан ташқари, ушбу бобнинг иккинчи ярмида биз қоронғу энергиянинг айланаётган зарралар ҳаракатига таъсирини ўргандик. Бундай фазо-вақтлардан иккитасида: космологик доимийни ўз ичига олган Шварцшилд де-Ситтер ва квинтессенсия параметрини ўз ичига олган фазо-вақтларда ҳаракатланаётган айланувчи зарранинг динамикасини ўргандик. Қизиғи шундаки, фазо-вақтлар асимптотик нотекис бўлганлиги сабабли, бундай фазо-вақтларда марказий массанинг тортишиш кучи космик итариш билан мувозанатлашган статик радиус (r_∞) мавжуд ва айланма орбиталар фақат статикрадиусгача бўлган масофаларда ҳосил бўлиши мумкин ($r < r_\infty$). Кейин, биз диққатимизни астрофизик жиҳатдан энг муҳим орбиталардан бирига, барқарор айлана орбиталарига қаратдик. Бу ҳолда, асимптотик текис фазо-вақтлардагидан фарқли ўлароқ, барқарор айланма орбиталар нафақат ISCO деб номланган ички радиус билан чегараланади, балки қоронғу энергиянинг итарувчи ҳусусияти туфайли улар OSCO деб номланган ташқи

радиус билан ҳам чегараланади. Уларнинг хусусиятлари 6-расмда кўрсатилган.



6-Расм. Шварцшилд де-Ситтер (чап панел) ва квинтессенс фазо-вақтларида ҳаракатланаётган айланувчи зарранинг ISCO ва OSCO радиусларининг қоронғу энергия параметрига боғлиқлиги. Бу ерда графикнинг пастги ва юқори қисмлари ISCO ва OSCOга тўғри келади. Нуқтали чизик статик радиусни билдиради.

